

**Коррупциявий хатти-ҳаракатлар содир этилганда
хизмат текширувлари ўтказиш бўйича
РЕГЛАМЕНТ**

I. Умумий қоидалар

1. Мазкур Регламент Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги бошқармаси (кейинги ўринларда - Ташкилот) ходимлари томонидан Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашишга оид қонунчилиги ёки коррупцияга қарши курашишга оид ички идоравий ҳужжатларини бузилишига нисбатан хизмат текширувини (кейинги ўринларда - Хизмат текшируви) ўтказишни белгилловчи ички идоравий ҳужжати ҳисобланади.

2. Мазкур Регламент қуйидаги мақсадларда ишлаб чиқилган:

Ташкилотда Хизмат текшируви ўтказишга ягона ёндашувни белгилаш;

Хизмат текшируви ўтказиш жараёни ва натижаларини ҳужжатлаштириш талабларини белгилаш;

Ташкилотда қоидабузарликлар содир этиш, зиён етказишга олиб келадиган сабаб ва шартларни аниқлаш ҳамда бартараф қилиш;

Ташкилотда қабул қилинган ички ҳужжатлар ва назорат таомилларидаги камчиликларни аниқлаш ва келгусидаги қоидабузарликларга йўл қўймаслик мақсадида уларни бартараф қилиш бўйича тавсияларни ишлаб чиқиш;

Ташкилот ва унинг ходимларининг қўлланилаётган қонунчилик талабларини бузганлик учун жавобгарликка тортилиши хавфини камайтириш.

3. Хизмат текширувида иштирок этаётган Ташкилот ходимларига ушбу Регламент билан ўрнатилган талабларга риоя қилиниши учун шахсий жавобгарлик юклатилади.

4. Хизмат текшируви қуйидаги тамойиллар асосида ўтказилади:

қонунийлик;

ходимларнинг ҳуқуқ, эркинликлари ва қонуний манфаатларига риоя қилиш; фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларинини таъминлаш ва ҳимоя қилиш;

Хизмат текшируви ўтказишда олинган ахборот ва материалларнинг конфиденциаллиги;

Ташкилот ходимлари томонидан Хизмат текшируви ўтказишдаги шаффофлик, ҳалоллик, коллегиялик, бетарафлик ва холислик;

Хизмат текшируви олиб борилаётган ходимнинг айбсизлик презумпцияси.

II. Хизмат текширувини тайинлаш

5. Хизмат текшируви Ташкилот ходимлари томонидан Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашишга оид қонунчилиги ёки коррупцияга қарши курашишга оид ички идоравий ҳужжатларининг бузилганлиги тўғрисидаги асосли маълумотлар мавжуд бўлганда тайинланади.

6. Бундай маълумотлар қуйидаги манбалардан келиши мумкин:

Ходимларнинг бевосита раҳбар ёки бошқа ваколатли шахсга берган маълумоти;

жисмоний ва юридик шахсларнинг Ташкилотнинг мавжуд тармоқлар орқали юборган хабарлари, шу жумладан, аноним хабарлар;

жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари;

оммавий ахборот воситаларидаги, шунингдек, ижтимоий тармоқлардаги маълумотлар;

ўтказилган сўровнома, шу жумладан, ижтимоий ва статистик тадқиқотлар натижалари бўйича олинган маълумотлар;

ички аудит ва молиявий назорат бўлинмалари, шунингдек, давлат молиявий назорат органлари ва Ўзбекистон Республикаси Ҳцсоб палатасининг хулосалари;

Коррупцияга қарши ички назорат гуруҳи (кейинги ўринларда - Ички назорат гуруҳи) томонидан коррупцияга қарши ички талаблар мониторинги ва уларга риоя қилиш устидан назорат натижалари;

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Вазирлар Маҳкамаси ва давлат ҳокимиятининг бошқа органларининг топшириқлари;

Бошқа каналлар орқали келиб тушган коррупциявий характердаги хабарлар.

7. Қуйидагилар Хизмат текшируви ташаббускорлари бўла олади:

Ташкилот раҳбари ва унинг ўринбосарлари;

ҳудудий ва таркибий муассасалар раҳбарлари ва уларнинг ўринбосарлари;

Ташкилотнинг Одоб-ахлоқ комиссияси;

Ички назорат гуруҳи (коррупцияга қарши курашишга масъул ходимдар);

Ташкилотнинг ички аудит ва молиявий назоратга жавобгар таркибий бўлинмаси раҳбари;

юримдик хизмати раҳбари;

Ташкилотнинг кадрлар бўлими раҳбари.

8. Коррупциявий хатти-ҳаракатлар тўғрисида келиб тушган ҳар қандай маълумотга нисбатан Ички назорат гуруҳи Хизмат текшируви ўтказиш учун етарли асос ва маълумотлар мавжудлиги, шунингдек, келиб тушган маълумотнинг Ташкилот ходимларига алоқаси бор-йўклигини аниқлаш нуқтаи назаридан дастлабки текширув ва таҳлил қилишни амалга оширадилар.

9. Бунда устидан Хизмат текшируви ўтказилиши мумкин бўлган ёки манфаатлар тўқнашуви мавжуд бўлган ходимларни дастлабки текширув жараёнига жалб қилиш тақиқланади.

10. Дастлабки текширув тегишли маълумот келиб тушган кундан бошлаб 10 (ўн) кундан ортиқ бўлмаган муддатда ўтказилади.

11. Дастлабки текширув Хизмат текшируви ҳисобланмайди.

12. Агар дастлабки текширув натижалари бўйича Ташкилотга алоқадор бўлган қоидабузарлик содир этилгани, содир этилиши мумкин бўлгани ёки содир этилаётганини тахмин қилишга асос борлиги аниқданса, у ҳолда Ички назорат гуруҳи раҳбари Ташкилот раҳбари ёки унинг ҳудудий ва таркибий муассасаси раҳбари номига ёзма хизмат хабарини жўнатади.

13. Агар Хизмат текшируви Ташкилотнинг ҳудудий ва таркибий муассасаси раҳбари ёки унинг ўринбосарларига нисбатан тайинланган бўлса, хизмат хабари Ташкилот раҳбарининг номига ёзилади.

14. Агар Хизмат текшируви Ташкилот раҳбари ёки унинг ўринбосарларига нисбатан тайинланган бўлса, (Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва Ташкилотнинг ички ҳужжатларида кўзда тутилган коррупциявий хатти-ҳаракатлар, шу жумладан манфаатлар тўқнашувини яширишга оид ҳолатларини содир этганликда гумон қилинган ҳолларда) у ҳолда тегишли маълумотлар Ички назорат гуруҳи томонидан ўрнатилган тартибда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга юборилади.

15. Ташкилот ёки ҳудудий ва таркибий муассаса раҳбари хизмат хабари олинган кундан бошлаб 3 (уч) иш кунда Хизмат текшируви ўтказиш ёки ўтказмаслик тўғрисида қарор (буйруқ) қабул қилади.

16. Ташкилот ёки ҳудудий ва таркибий муассаса раҳбари хизмат хабарига асосан тегишли материалларни ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга Хизмат текшируви ўтказмасдан тақдим этиш тўғрисида қарор қабул қилиши мумкин.

17. Хизмат текшируви ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилиш билан бир вақтда Ташкилот ёки ҳудудий ва таркибий муассаса раҳбари Хизмат текшируви ўтказиш бўйича ишчи гуруҳ раҳбарини тайинлайди ва унга ишчи гуруҳ таркибини шакллантиришни ва хизмат текширувни ўтказиш тўғрисида буйруқ тайёрлаш вазифасини топширади.

18. Хизмат текшируви ўтказиш тўғрисидаги буйруқда қуйидагилар кўрсатилади:

Хизмат текшируви предмети (мавзуси);

Хизмат текшируви ўтказилишига асос бўлган сабаб ёки вазият;

Хизмат текшируви ўтказишга сабаб бўлган қоидабузарликни содир этишда гумон қилинаётган ходим (лар), у (лар)нинг ФИШ ва лавозими (бўлинма (бошқарма, бўлим) номи)

маълум бўлса;

Хизмат текширувини ўтказиш учун маъсул бўлган ишчи гуруҳ таркиби;

Ишчи гуруҳ раҳбари ва аъзоларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари;

Хизмат текширувини ўтказиш ва натижаларни тақдим этиш муддати.

19. Хизмат текшируви ўтказиш тўғрисидаги буйруқ лойиҳаси Ташкилот ёки ҳудудий ва таркибий муассаса раҳбарига имзолаш учун Хизмат текшируви ўтказиш тўғрисидаги қарор қабул қилинган санадан бошлаб 3 кун ичида тақдим этилиши керак.

III. Хизмат текшируви ўтказиш бўйича ишчи гуруҳ тузиш

20. Хизмат текширувини ўтказиш бўйича ишчи гуруҳ таркиби, Ишчи гуруҳ раҳбари тақлифига асосан тузилади, қоида тариқасида унга ички назорат тузилмалари, кадрлар билан ишловчи бўлинмалар, юридик хизмат, ички аудит ва молиявий назорат бўлинмалари ҳамда лавозим мажбурияти Хизмат текшируви предмети бўлган ёки шунга яқин бўлган бошқа бўлинмалар ходимлари киритилиши мумкин.

21. Таркибий ва ҳудудий муассасалар томонидан ташкил этилган ишчи гуруҳ таркибига Ташкилот марказий аппарати ходимлари киритилиши мумкин.

22. Қўйидаги ходимлар ишчи гуруҳ таркибига киритилмайди:

Хизмат текшируви ўтказилаётган ходимнинг яқин қариндошлари;

Хизмат текшируви ўтказилаётган ходимнинг бевосита бўйсунувидаги ходим;

Хизмат текшируви ўтказилаётган ходимнинг бевосита раҳбари (Ташкилот, ҳудудий ва унинг таркибий муассасаси раҳбари бундан мустасно);

Хизмат текшируви ўтказилаётган йўналишни бошқараётган ташкилот, ҳудудий ва таркибий бўлинма раҳбарининг ўринбосарлари;

текширув якунидан бевосита ёки билвосита манфаатдор эканлиги ҳақида гумон (масалан бирга таълим олган, бир ҳудуддан бўлган, ишқий муносабатларда, хизмат текшируви ўтказилаётган ходим билан ошқора зиддиятга эга ва ҳ.) бўлган бошқа ходимлар.

23. Ишчи гуруҳни шакллантириш учун маъсулият ишчи гуруҳ раҳбари зиммасида бўлади. У мазкур Регламентнинг 22-бандида кўрсатилган потенциал манфаатлар тўқнашуви ҳолати мавжудлиги бўйича гуруҳ аъзоларини текшириши шарт.

IV. Хизмат текширувини ўтказиш

24. Хизмат текшируви тегишли буйруқ имзолаган санадан бошлаб 30 кундан ортиқ бўлмаган муддатда ўтказилиши керак.

25. Агар Хизмат текшируви жараёнида 24-бандда кўрсатилган муддатнинг узайишига олиб келадиган қўшимча тартиб-таомиллар (шу жумладан, ходимлар ва бошқа шахслар орасида қўшимча сўровнома ўтказиш) ўтказилиши, қўшимча ҳужжатларни сўраб олиш талаб этилса, у ҳолда ишчи гуруҳ раҳбари бу ҳақда маълум бўлиши билан мажбурий тартибда, Хизмат текшируви тўғрисидаги буйруқни имзолаган раҳбарни хабардор қилади. Бундай ҳолатларда, Хизмат текширувини ўтказиш муддати қўшимча 30 (ўттиз) календарь кунидан ортиқ бўлмаган муддатга узайтирилиши мумкин.

26. Устидан Хизмат текшируви ўтказилаётган ходим йўқ бўлган ҳолда (таътил, касаллик, хизмат сафари ва бошқалар), у вақтинча тўхтатилади, унинг муддати эса автоматик тарзда ушбу ходим йўқ бўлган даврга узайтирилади.

Агар ходим 30 (ўттиз) календарь кунидан ортиқ муддатга йўқ бўлган ёки Хизмат текширувида иштирок этишдан бошқа усул билан бош тортган ҳолда, Хизмат текшируви Ташкилот, ҳудудий ва таркибий бўлинма раҳбари билан келишган ҳолда ходимнинг иштирокисиз ўтказилиши мумкин ва ушбу ҳолат Хизмат текшируви натижаларида қайд этилади.

27. Устидан Хизмат текшируви ўтказилаётган ходимга, ишчи гуруҳ раҳбарининг тавсиясига асосан Ташкилот, ҳудудий ва таркибий муассаса раҳбари буйруғи билан маълум бир ахборот тизимлари, муайян ҳужжатлардан фойдаланишга чеклов қўйилиши мумкин. Ушбу ҳолатда қабул қилинган буйруқ ҳақида, устидан хизмат текшируви ўтказилаётган ходим, ўша кунгача буйруққа имзо чектирилган ҳолда таништирилади. Буйруқ билан танишиш рад этилган ҳолда бу ҳақида ишчи гуруҳ раҳбари томонидан далолатнома тузилади.

28. Ходимга нисбатан маълум бир ахборот тизимлари, муайян ҳужжатлардан

фойдаланишга чеклов қўйишга оид буйруқ Хизмат текшируви ўтказишнинг муддатидан ортиқ бўлмаслиги керак.

V. Хизмат текширувини ўтказиш давомида ўрганиладиган маълумотлар

29. Хизмат текширувини ўтказиш давомида ишчи гуруҳ қоидабузарликка алоқадор бўлган маълумотларни тўплаш, таҳлил қилиш ва ҳужжатлаштириш ишларини амалга оширади, шу жумладан:

қоидабузарлик, уни содир этиш сабаблари нимада акс этади;

Қоидалари бузилган Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва Ташкилотнинг ички идоравий ҳужжатлари талаблари;

Қоидабузарликни содир этилиш вақти, жойи, усули;

Қоидабузарликни содир этишга жалб қилинган шахслар доираси (Ташкилот ходимлари билан бир қаторда учинчи шахслар ҳам);

қоидабузарликнинг оғирлик даражаси;

Ташкилотга етказилган моддий ва номоддий зарарнинг кўриниши ва кўлами;

Қоидабузарликни содир этишга алоқадор бўлиши мумкин бўлган бошқа маълумотлар.

30. Хизмат текширувини ўтказиш давомида олинadиган маълумотлар манбаси қуйидагилар бўлиши мумкин:

устидан Хизмат текшируви ўтказилаётган ходим, Ташкилотнинг бошқа ходимлари, учинчи шахсларнинг ёзма ёки оғзаки тушунтиришлари;

тасдиқловчи ҳужжатлар (ёзма ва электрон шаклда);

интернет тармоғига жойланган ахборот манбаларининг маълумотлари;

аудиоёзувлар, фото- ва видеосъёмкалар;

қоидабузарликка алоқадор бўлган бошқа материаллар.

31. Юқорида санаб ўтилган барча, шу жумладан конфиденциал маълумотлар ишчи гуруҳ томонидан Ташкилотда қабул қилинган барча таомилларни қўллаган ҳолда, шунингдек, Ташкилотнинг ички ҳужжатлари ва Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ олинishi ва фойдаланиishi керак.

32. Ташкилот ходимлари ёки жалб этилган бошқа шахслар билан ўтказилган суҳбат жараёни аудио ёки видео қайд қилиниши, суҳбат тўғрисида баённома тузилиши керак (аудио ёки видео қайдлар Хизмат текшируви материалларига қўшиб қўйилади).

Аудио ва видео қайдни амалга оширишдан олдин суҳбат ўтказилаётган шахснинг розилиги олинади. Розилик берилмаса аудио ва видео қайдни амалга оширувчи ускуналардан фойдланишга йўл қўйилмайди.

33. Устидан хизмат текшируви ўтказилаётган ёки бошқа ходимнинг суҳбат ёки тушунтириш беришдан бош тортилган ҳолларда ушбу Регламентнинг 1-иловасига мос шаклда далолатнома расмийлаштирилади.

34. Ишчи гуруҳ раҳбари мазкур ходимни далолатнома билан танишганлигини тасдиқлаш учун унга имзо қўйиши зарурлиги тўғрисида хабардор қилади. Агар ходим ҳужжатга имзо қўйишдан бош тортса, у ҳолда ишчи гуруҳ раҳбари ҳужжатга имзо қўйишдан бош тортганлиги тўғрисида тегишли белги қўяди.

35. Устидан текширув ўтказилаётган ходим томонидан далолатномага (ёки бошқа ҳужжатларга) имзо қўймаслик унга нисбатан тегишли таъсир чорасини қўллашни истисно қилмайди.

VI. Ишчи гуруҳ раҳбари ва аъзоларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

36. Ишчи гуруҳ раҳбари Хизмат текширувининг самарадорлиги ва натижаси, шунингдек, ишчи гуруҳ аъзоларининг мазкур Регламент билан белгиланган талабларга амал қилишлари учун маъсул бўлади.

37. Хизмат текшируви ўтказиш давомида ишчи гуруҳ раҳбари қуйидаги вазифаларни амалга оширади:

Хизмат текшируви ўтказишнинг йўналишлари, амалга ошириладиган тадбирларни белгилайди, ишчи гуруҳ аъзолари олдига вазифалар қўяди;

Ишчи гуруҳ томонидан Хизмат текшируви ўтказилишини ташкиллаштиради ва мувофиқлаштиради;

Ишчи гуруҳ томонидан Хизмат текширувининг ушбу Регламентга мувофиқ равишда ўтказилишини назорат қилади;

суҳбат ўтказиш, тушунтириш талаб қилиб олиш зарур бўлган ходимлар рўйхатини тузади;

Хизмат текширувини холис ва самарали ўтказиш учун зарур бўлган чоралар кўрилишини таъминлайди (масалан, Ташкилотдаги маълумотларни йўқ қилиш жараёнларини тўхтатиб туришни талаб қилади, тегишли ходимларга нисбатан текширув ўтказилаётган даврда маълум бир ахборот тизимлари, муайян ҳужжатлардан фойдаланишга чеклов қўйишни тавсия қилади, зарурият туғилганда текширувни ўтказишнинг максимал муддатларини узайтириш бўйича таклиф тайёрлайди ва бошқалар.);

Ташкилот, ҳудудий ва таркибий муассаса раҳбарига Хизмат текшируви натижаларининг тақдим этилишини таъминлайди.

38. Хизмат текширувини ўтказишда ишчи гуруҳ раҳбари ва аъзолари қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Ташкилот ходимлари билан суҳбат ўтказиш, тушунтириш хати олиш, текширув моҳияти тўғрисида маълумотга эга бўлиши мумкин бўлган учинчи шахслар, шунингдек, ташқи экспертларни уларнинг розилиги билан Хизмат текшируви жараёнига таклиф қилиш. Учинчи шахслар ва ташқи экспертларни жалб қилиш масаласи Ташкилот, ҳудудий ва таркибий бўлинма раҳбари билан келишилиши шарт;

суҳбатни ёзма шаклда ёки зарурият туғилганда тушунтириш бераётган шахснинг розилиги билан аудио ва видео қайд этувчи ускуналар қўллаш билан қайд этишни амалга ошириш;

Ташкилот ходимларидан Хизмат текширувига алоқадор бўлиши мумкин бўлган материалларни олиш;

Ташкилотнинг мулкнинг бус-бутунлигини хатлов ва тафтишдан ўтказиш;

Ўтказилаётган Хизмат текшируви доирасида ўз лавозим мажбуриятларини бажариш учун фото- ва видеоқайдларни амалга ошириш.

39. Ишчи гуруҳ раҳбари ва аъзолари мажбуриятлари:

Хизмат текширувини ўтказишда ушбу Регламент, Ташкилотнинг бошқа ички ҳужжатлари ва Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги талабларига амал қилиш;

Хизмат текшируви моҳияти бўйича мавжуд барча материалларни тўплаш;

Хизмат текшируви мақсадлари учун аҳамиятга эга бўлган маълумотларнинг бутлигини сақлаш бўйича чоралар кўриш;

мазкур Регламент, Ташкилотнинг бошқа ички ҳужжатлари ва Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида кўзда тутилган ҳолатлардан ташқари Хизмат текшируви ўтказиш доирасида олинган маълумотларнинг мутлақо конфиденциаллигини сақлаш ва ошкор қилмаслик;

мазкур Регламент талабларига мувофиқ равишда текширув натижаларини расмийлаштириш, шу жумладан, жавобгарлик чоралари, шунингдек, қоидабузарлик сабаблари ва қоидабузарликни содир этишга туртки бўлган шартларни бартараф қилиш имконини берадиган чораларни қўллаш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш.

VII. Устидан Хизмат текшируви ўтказилаётган ходимларнинг ҳуқуқлари

40. Хизмат текшируви ўтказилаётган ходим қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Хизмат текшируви ўтказиш факти тўғрисида хабардор бўлиш;

қоидабузарликнинг содир этилиши сабаблари ва шароитлари, Хизмат текширувининг бориши ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини ифодалаш ҳуқуқи билан ёзма ва оғзаки тушунтиришлар бериш, шунингдек, унинг тушунтиришларини тасдиқлаши мумкин бўлган исбот-далилларни тақдим этиш;

Тушунтиришлар тақдим этишдан бош тортиш - бу ҳолда ушбу Регламентнинг 33-бандида кўзда тутилган далолатнома тузилади;

ўзи томонидан тақдим этилган, ўтказилаётган Хизмат текшируви, Хизмат текшируви материалларига алоқадор бўлган ҳужжат ва материалларга қўшиб қўйишни талаб қилиш;

Хизмат текшируви тугаганлиги тўғрисидаги хабарни олиш ва бундай хабар олингандан кейин 2 (икки) кун ичида Хизмат текшируви маълумотномасининг унга тегишли қисми билан у тасдиқланишига қадар танишиш (у фойдаланиш ва ўз мулоҳазаларини қўшиб қўйиш ҳуқуқига эга бўлмаган конфиденциал ахборотдан ташқари);

Хизмат текшируви натижаларидан, шу жумладан, ишчи гуруҳ томонидан текширув якунлари бўйича таклиф этилган таъсир чорасидан норози бўлган тақдирда ушбу қарор устидан ташкилот раҳбарига ёки юқори турувчи идораларга шикоят қилиш.

VIII. Хизмат текширувини ўтказишга жалб қилинадиган бошқа ходимларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

41. Хизмат текширувини ўтказишга жалб қилинадиган ходимлар Хизмат текширувини ўтказишда ишчи гуруҳга ҳар томонлама кўмак бериш, шу жумладан, Хизмат текшируви бўйича талаб қилинган тушунтиришлар, маълумот ва ҳужжатларни беришлари, ишчи гуруҳ аъзолари томонидан ташкил этиладиган суҳбатда иштирок этишлари шарт.

42. Хизмат текширувини ўтказишга жалб қилинаётган ходимлар уларнинг текширувда иштирок этишлари сабабли уларга маълум бўлган Хизмат текшируви маълумотларини ошкор қилишга ҳақли эмаслар.

43. Хизмат текширувини ўтказишга жалб қилинаётган ходимлар қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Ўзлари ва яқин қариндошларга қарши гувоҳлик бермаслик;

Ташкилот раҳбарига ишчи гуруҳ раҳбари ва аъзоларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан шикоят қилиш.

IX. Хизмат текшируви натижаларини расмийлаштириш

44. Хизмат текшируви натижалари бўйича ишчи гуруҳ раҳбари, унинг барча аъзолари, Хизмат текшируви ўтказилаётган ходим томонидан имзоланадиган маълумотнома тузилади.

45. Маълумотнома мазкур Регламентга 2-иловага мувофиқ шаклда тузилиб, кириш, баён, хулоса ва таклиф қисмдан иборат бўлади.

46. Маълумотнома ёки унинг алоҳида бандларидан норози бўлган ишчи гуруҳ аъзоси шунингдек устидан Хизмат текшируви ўтказилаётган шахс ёзма равишда расмийлаштирилган ва ишга тиркалган ҳолда алоҳида фикрда эканлигини билдирган белги билан маълумотномага имзо қўйиши мумкин.

47. Устидан Хизмат текшируви ўтказилаётган шахс маълумотномага имзо қўйишдан бош тортган ҳолларда далолотнома расмийлаштирилади. Ушбу далолотномага ишчи гуруҳ аъзоларидан ташқари, Хизмат текшируви натижаларидан манфаатдор бўлмаган камида икки нафар шахс имзо қўйиши лозим.

48. Маълумотномага асосан ташкилот, ҳудудий ва таркибий бўлинма раҳбари қуйидаги қарорларни қабул қилиши мумкин:

қоидабузарлик тўғрисидаги маълумот тасдиқламаганлиги муносабати билан Хизмат текширувини тўхтатиш;

сабаблар ва муддатлари кўрсатилган ҳолда Хизмат текшируви материалларини қўшимча ишлаш учун, зарурият туғилганда эса - ишчи гуруҳ таркибини ўзгартириш учун қайтариш;

айбдор ходимга нисбатан тегишли таъсир чорасини қўллаш;

ходимга нисбатан огоҳлантириш, профилактик ҳарактердаги чораларни қўллаш;

келгусида шу каби қоидабузарликлар содир бўлишининг олдини олиш бўйича тегишли чора-тадбирларни ишлаб чиқиш;

ҳуқуқбузарлик ёки жиноят аломатлари тасдиқланган ҳолда, тегишли материалларни ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларига тақдим этиш.

49. Хизмат текшируви натижалари тўғрисидаги маълумотнома Ички назорат гуруҳига, кадрлар бўлимига тақдим этилади.

50. Хизмат текшируви ўтказилишига сабаб бўлган маълумот ҳақида хабар берган шахслар қоидабузарлик тасдиқлангани ёки тасдиқланмагани, шунингдек кўрилган чоралар ҳақида умумий тарзда хабардор қилинади.

XI. Хизмат текширувига оид ҳужжатларни сақлаш ва улардан фойдаланиш

51. Хизмат текширувида иштирок этаётган Ташкилот ходимлари текширув давомида уларга маълум бўлган ахборотнинг конфиденциаллигини таъминлайдилар (Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида кўзда тутилган ҳолатлар бундан мустасно).

52. Ўтказилган Хизмат текшируви доирасидаги маълумотлардан ваколатли фойдаланиш ҳуқуқига фақат Ташкилот раҳбари, Ички назорат гуруҳи ва ишчи гуруҳ аъзолари (мазкур ишчи гуруҳ аъзоси иштирок этган текширувлар бўйича) эга.

53. Ўз лавозим вазифаларини бажариш учун ўтказилган Хизмат текширувлари ҳақидаги ахборотдан фойдаланиши зарур бўлган ходимлар, ушбу ахборотдан фойдаланиши учун Ташкилот, ҳудудий ва таркибий муассаса раҳбарининг ёзма розилигини олиши лозим.

54. Хизмат текширувига оид материаллар ишчи гуруҳ раҳбари томонидан алоҳида йиғмажилдга рақамланган ва тикилган ҳолда Ички назорат гуруҳи ва Кадрлар бўлинмасига топширилади.

55. Ташкилотнинг марказий аппаратидаги Ички назорат гуруҳи, ҳудудий ва таркибий бўлинмалардаги ушбу вазифа юкланган бўлинмалар мазкур Регламентга 3-иловага мувофиқ шаклда Хизмат текширувлари электрон реестрини юритилишини таъминлайди. Ҳудудий ва таркибий бўлинмалар ўтказилган Хизмат текширувлари электрон реестрини ҳар чоракда Ички назорат гуруҳига тақдим этишлари шарт.

56. Хизмат текширувига оид барча ҳужжатлар, агар бошқача тартиб Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида кўзда тутилмаган бўлса, тасдиқланган вақтдан бошлаб 10 (ўн) йил давомида сақланиши лозим.

ДАЛОЛАТНОМА

«__» 20_____ й.

Биз, қуйида имзо чекувчилар

(ФИШ, лавозими)

(ФИШ, лавозими)

(ФИШ, лавозими)

Ходим (ФИШ, лавозими) 20—йилнинг «--»да

_____,дан иборат бўлган
қоидабузарлик содир этилганлиги тўғрисида ёзма тушунтириш бериш таклиф этилган бўлиб, у
ёзма тушунтириш беришни рад этгани тўғрисида ушбу актни туздик.

Ёзма тушунтириш беришни рад этганлиги сабабларини ходим (ФИШ, лавозими)
қуйидагилар билан изоҳлади

_____(тушунтириш
беришни рад этганлик сабаблари эркин шаклда баён этилсин).

Далолотнома тузган шахслар имзоси:

(имзо)

(ФИШ)

(имзо)

(ФИШ)

(имзо)

(ФИШ)

Далолотнома билан танишдим*: (ФИШ, лавозим, сана, имзо)

* Далолотномага имзо қўйишдан бош тортса, ишчи гуруҳ раҳбари «имзолашдан бош тортди»
ёзувини киритиб, ўзи имзо қўяди.

Хизмат текшируви натижалари тўғрисида маълумотнома

—сон

1. Асос: Ташкилот раҳбарининг буйруғи (сана ва рақами)

2. Ишчи гуруҳ таркиби:

Ишчи гуруҳ раҳбари _____

(лавозими, фамилияси, инициаллари)

Ишчи гуруҳ аъзолари _____

(лавозими, фамилияси, инициаллари)

3. Хизмат текширувини ўтказилган муддати:

4. Текширув ўтказиш учун асослар (келиб тушган хабарнинг қисқача мазмуни):

5. Баён қисми (хизмат текширувида аниқланган фактлар):

қоидабузарлик содир бўлганми ва у нималарда ифодаланган;

қоидабузарлик содир этилган жойи, вақти, усули ва қоидабузарликни содир этишнинг

бошқа шароитлари;

Хизмат текшируви ўтказилаётган ходим(лар)нинг маълумотлари (ФИШ, лавозими,
(тузилмавий бўлинма номи (бошқарма, бўлим номини кўрсатган ҳолда), меҳнат шартномаси
тузилган сана, ушбу ходимга нисбатан Хизмат текшируви аввал ҳам ўтказилганми);

қоидабузарликни содир этишга алоқадор бўлган шахслар доираси;

қоидабузарликни содир этиш мақсадлари ва сабаблари;

қоидабузарликни содир этишга туртки бўлган сабаб ва шартлар;

конкрет ходимнинг айбдорлигини тасдиқловчи ёки унинг айбсизлигига гувоҳлик
берувчи тўпланган маълумотлар таҳлили;

Хизмат текшируви ўтказилаётган ходимнинг ўз ҳимояси учун келтирган далиллари,
уларни текшириш натижалари.

6. Хулоса ва таклифлар:

а) хулоса қисмида:

Хизмат текшируви ўтказилган шахс(лар)нинг ҳаракат(лар)ида (ҳаракатсизлигида)
қоидабузарлик мавжуд ёки йўқлиги тўғрисида хулоса;

қоидабузарлик бўлса, талаблари бузилган Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ёки

Ташкилотнинг ички ҳужжатлари номи, санаси ва бузилган қоида мазмуни;

қоидабузарлик содир этиш натижасида етказилган зарар характери ва қўлами (мавжуд

бўлса);

б) таклиф қисмида
айбдор шахс (лар)ни жавобгарликка тортиш бўйича таклифлар;
қоидабузарлик содир этишга олиб келадиган сабаб ва шартларни баргараф қилишга
қаратилган тавсиялар;

Хизмат текшируви материалларини ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига тақдим этиш
зарурияти.

Ишчи гуруҳ аъзолари имзолари:

Маълумотнома билан танишдим**

(ФИШ, лавозими)

(имзо)

(сана)

* Маълумотномага имзо қўйишдан бош тортса, ишчи гуруҳ раҳбари «имзолашдан бош тортди»
ёзувини киритиб, ўзи имзо қўяди.

Хизмат текширувлари электрон реестри

Т/р	Хизмат текшируви ўтказиш тўғрисидаги буйруқ рақами ва санаси	Ўтказилган Хизмат текшируви натижалари тўғрисидаги маълумотнома рақами ва санаси	Хизмат текшируви ўтказиш даври	Ишчи гуруҳ таркиби	Қоидабузарлик тўғрисидаги ахборот келиб тушган манба	Хизмат текшируви ўтказиш йўналишларининг қисқача таърифи	Текширув натижаларининг қисқача таърифи	Аниқланган айбдор шахслар рўйхати	Текширув натижалари бўйича тасдиқланган чоралар	Муддатлар ва ижро учун маъсул	Амалда бажарилганлик тўғ
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12
1											
2											
3											
4											
5											
6											

